



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2026  
1-сон



# SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda  
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e‘tirof etilgan

**Tahririyat a‘zolari:**

**Mas‘ul kotib:**

i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

**Muharrirlar:**

i.f.d., dotsent F.A.Safarov  
PhD, dotsent I.M.Pardaeva  
PhD, I.Sh.Ernazarova

**Texnik muharrir:**

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

**Korrektor:**

PhD, dotsent v.b.  
T.I.Yahyoyev

**Sahifalovchi:**

PhD, dotsent v.b.  
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba  
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida  
tarqatiladi.**

**Tahririyat manzili:**

140100, Samarqand shahar,  
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53  
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

**Tahrir hay‘ati raisi:**

**M.E.Po‘latov** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,  
i.f.d., professor

**Tahrir hay‘ati raisi o‘rinbosari:**

**M.Q.Pardayev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**Tahrir hay‘ati a‘zolari:**

**M.M.Muxammedov** – SamISI professori, iqtisod fanlari  
doktori

**D.R.Zaynalov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**O.M.Murtazayev** – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,  
professor

**M.R.Boltabayev** – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

**R.X.Ergashev** – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

**B.K.G‘oibnazarov** – iqtisod fanlari doktori, professor

**I.S.To‘xliyev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**K.B.Urazov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**Q.J.Mirzayev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**B.I.Isroilov** – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

**G.M.Shodiyeva** – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

**S.N.Toshnazarov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**R.N.Normaxmatov** – SamISI professori, texnika fanlari doktori

**A.Bektemirov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**O.M.Pardayev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**M.T.Alimova** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**Z.Dj.Adilova** – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

**Sh.O.Quvondiqov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**L.N.Xalikova** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**F.A.Safarov** – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

**A.M.Karimova** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**I.B.Mattiyev** – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

**B.F.Boronov** – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

**A.N.Xoliqulov** – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

**X.A.Raximov** – SamISI dotsenti, PhD

**S.A.Babanazarova** – SamISI dotsenti, PhD

**H.N.Ochilova** – SamISI dotsenti v.b., PhD

**I.R.Berdikulova** – SamISI dotsenti v.b., PhD

**A.Q.G‘apparov** – SamISI dotsenti v.b., PhD

**MUNDARIJA:**

<b>NAZARIYA VA METODOLOGIYA</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева</b> Янги Ўзбекистоннинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади	5
<b>Сарвар Аюбовна Исхакова</b> Ўзбекистонда хизматлар соҳасини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари	13
<b>Anvar Nematovich Xoliqulov</b> Servis sifati tushunchasining nazariy talqini	18
<b>Зухриддин Санжар ўғли Рашидов</b> Корхона самарадорлигини оширишни меҳнат ресурслари ҳаракати билан боғланишининг ўзига хос хусусиятлари	21
<b>Mexrangiz Axtam qizi Mullayeva</b> Xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yurituvchi korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning ustuvor yo‘nalishlari	25
<b>SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI</b>	
<b>Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова</b> Роль эстетических показателей тканей в формировании потребительских и эксплуатационных свойств изделий	31
<b>Рузбой Нормакматов, Акрам Гафуров, Баҳора Тўлкинова</b> В <sub>1</sub> - витамин (тиамин): ва унинг инсон соғлигини сақлашдаги аҳамияти	34
<b>Junaydillo Sadiyevich Fayziyev</b> Atrof-muhitga chiqarilayotgan sut zardobi tarkibidagi zardob oqsillari miqdorini kamaytirish texnologiyasi	37
<b>Ro‘ziboy Normaxmatov, Zakirjon Erkinovich Mamarasulov, Ravshan Pirmatov</b> Askorbin kislotasi (C vitamini) va uning ahamiyati	41
<b>TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH</b>	
<b>Феруз Нематуллаевич Абилов</b> Худудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари	44
<b>XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS</b>	
<b>Обид Мамаюнусович Пардаев</b> Коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини такомиллаштириш	50
<b>Акмал Алимжонович Салимов</b> Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим хизматлари сифатини ошириш тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари	56
<b>Firuz Kurbanovna Achilova</b> Mintaqada xizmatlar sektorining rivojlanishining zamonaviy modellari	61
<b>Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида сохта иқтисодиётнинг айрим кўринишлари ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари	66
<b>Xusnora Dilmurod qizi Umarova</b> Orolbo‘yi mintaqasida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish	71
<b>Jahongir Aktamovich Haydarov</b> Logistikada transport xizmatlari raqobatbardoshligini baholashning kompleks yondashuvlari	75

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

- [1]. Матюшкина И.А. Современные тенденции развития сферы услуг. // Научный журнал «Экономика. Социология. Право», 2017, №1(5). - с. 23.
- [2]. Šajbidor M., Mikolasik M. (2023). Research on the Service Sector in the Modern Economy. In: Kryvinska N., Greguš M., Fedushko S. (eds) Developments in Information and Knowledge Management Systems for Business Applications. Studies in Systems, Decision and Control, vol 462. Springer, Cham.
- [3]. Зияева М.М. Республика минтақаларида хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали, №6, ноябрь-декабрь, 2017. - 1 б.
- [4]. Хижняк А.Н., Леонова Ж.К. Оптимизационная модель развития сферы услуг. // Известия МГТУ «МАМИ», т.3, №2(14), 2012. - с. 179.
- [5]. Кудратов З.Г. Основные тенденции развития сферы услуг в Узбекистане. // Молодой ученый, 2016, №11 (115). - с. 791-793. URL: <https://moluch.ru/archive/115/30907>
- [6]. Rakhimov A., Uralov T. Modeling basis of the development of public service industries. // Наука и инновации в системе образования, 4(4), 2025. - с. 129-135. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/sies/article/view/82134>
- [7]. Semenov V.L., Zakharova A.N., Lavina T.A., Dulina G.S. Designing Innovative Business Model Of The Regional Service Sector. // Selection and peer-review under responsibility of the Organizing Committee of the conference. The European Proceedings of Social and Behavioural Sciences EpSBS, 2020.
- [8]. <https://www.vsemirnyjbank.org/ext/ru/home>

<b>Ф.Ачилова</b>	<b>F.Achilova</b>
<b>Современные модели развития сектора услуг в регионе</b>	<b>Modern models of service sector development in the region</b>
<p><b>Аннотация.</b> В данной статье рассматриваются возможности применения современных моделей развития сектора услуг в регионе. Также сделаны выводы об эффективном использовании современных моделей развития сектора услуг в Кашкадарьинской области.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> регион, услуги, сектор услуг, модель, продукт, исследование, экономика.</p>	<p><b>Abstract.</b> This article discusses the possibilities of applying modern models of service sector development in the region. Also, conclusions are drawn on the effective use of modern models of service sector development in the Kashkadarya region.</p> <p><b>Keywords:</b> region, service, service sector, model, product, research, economy.</p>

**Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов** – СамЙСИ мустақил изланувчиси,  
Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходими

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА СОХТА ИҚТИСОДИЁТНИНГ АЙРИМ КЎРИНИШЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

<p><b>Аннотация.</b> Мақола муаллифи томонидан хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларда сотилган товар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажмини кўшиб ёзиш яъни сохта иқтисодиётга йўл қўйилаётганлиги (Самарқанд вилоятидаги хўжалик юритувчи субъектлари мисолида) ҳолати ўрганилиб, унинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан расмий сектордаги сотилган товар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажмини кўшиб ёзиш, яъни сохта иқтисодиётни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича ўз амалий тақлиф ва хулосалари баён этилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> расмий сектор, яширин иқтисодиёт, сохта (қалбаки) иқтисодиёт, иқтисодиётда кўшиб ёзиш, солиқ ва статистик ҳисоботлар, рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ).</p>
--

**Кириш.** Яширин иқтисодиётнинг намоён бўлишининг бир шакли бўлган *сохта* (қалбаки) иқтисодиёт ўз табиатига кўра жуда катта микдорда бюджет маблағларини

талон-тарож қилинишига, мамлакатда коррупция даражасини ошишига хизмат қилувчи иқтисодий жараёндир.

Сохта иқтисодиёт барча мамлакатларда мавжуд ва у турли кўринишларда намоён бўлади, жумладан, бажарилмаган иш ва хизматларни бажарилган деб кўрсатиш орқали маблағларни ўзлаштириш, сотилмаган товарларни сотилди деб расмийлаштириш, маҳсулот иш ва хизматларни қийматидан қиммат нархларда сотилди деб расмийлаштириш орқали пул ювиш, ҳақиқатда ишламаган ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар ҳисоблаб ўзлаштириш, давлат бюджетидан сохта ҳужжатлар орқали ҳисобланган солиқ тўловларини қайтариб олиш, сохта ҳужжатлар билан бюджетдан субсидияларни олиш, омбордаги товарларни сохта ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқариш ва шу каби бошқа жараёнларда вужудга келади.

Амалиётда мамлакатимизда сохта иқтисодиётнинг яна бир кўриниши ҳам мавжудки, бу жараён бюджет маблағларини талон-тарож қилинишидан ҳам кўра салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бу маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли масъул идоралар томонидан шаҳар ва туманларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан ижобий томонга ўзгартириш мақсадида, хўжалик субъектларнинг расмий статистик ҳисоботларига сохта маълумотлар киритиш орқали амалга оширилади.

Бу эса мамлакат ЯИМ ва ҳудудларнинг ЯХМлари миқдорини, аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичларни сунъий равишда ошишига олиб келиб, бу мамлакатни халқаро миқёсдаги имижига, инвестиция муҳитига салбий таъсир қилиш билан биргаликда, ҳукумат томонидан стратегик қарорлар қабул қилинишида чалкашликларни келтириб чиқаради ва аҳолининг камбағаллашувига сабаб бўлади, мамлакатга ташқи қарз маблағларини жалб этишда салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Энг ачинарлиси шундаки сохта иқтисодиётнинг мазкур кўриниши йил сайин камайиш ўрнига аксинча ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Мазкур тадқиқотимизда Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари мисолида бажарилган иш ва хизматлар ҳажмини кўшиб(камайтириб) ёзиш, яъни сохта(қалбаки) иқтисодиёт кўрсаткичлари таҳлил этилиб, уни бартраф этиш бўйича амалий хулосалар қилинган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Сохта иқтисодиёт бўйича халқаро миқёсда ҳам, мамлакатимизда ҳам, назарий-ўқув услубий адабиётларда кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлсада, иқтисодиёт тармоқларидаги амалий жараёнлар бўйича илмий тадқиқотлар деярли учрамайди.

Мазкур масала хорижий олимлардан Ж.К.Скотт, Х.Ж.Чанг, Н.Н.Хадсон, М.Маццукамо, М. Толеб,Т.Пикетти кабилар<sup>1</sup> тадқиқотларида қараб чиқилган. Ушбу масала МДҲ ва мамлакатимиз олимларидан А.Неклесса, Г.Ханин, В.Селюнин, И.Нигматулин, А.Ўлмасов, М.Қ.Пардаев, Ш.Қобилов, Ш.Шодмонов, М.Рахматов кабиларнинг<sup>2</sup> тадқиқотларида назарий жиҳатдан эътибор қаратилган.

**Тадқиқот методологияси.** Сохта иқтисодиётни бартараф қилиш бўйича айрим тавсиялар билан боғлиқ масалаларни тадқиқот қилиш жараёнида мантикий ёндошув, киёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг бошқа усулларида фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Биз аввалги тадқиқотларимизда сохта иқтисодиёт тушун-

<sup>1</sup> James C.Scott.-“Seeing Like a State:How Certain Schemes to Improve the Human Condition Have Failed” -1998-<https://www.jstor.org/stable/j.ctt1nq3vk>, Ha-Joon Chang.-“Kissing Away the Ladder:Development Strategy in Historical Perspective”- Paperback – July 1, 2002, Mariano Mazzucato-“The value of Everything:Making and Taking in the global economy”-2018, Michael Hudson.-“Killing the Host:How Financial Parasites and Debt Destroy the Global Economy”- Paperback – August 20, 2015., Nassim Nicholas Taleb.-“The Black Swan”- 2007., Thomas Piketty.,“Capital in the Twenty-First Century”-2013.

<sup>2</sup> Г.Ханин.-«Луковая цифра:30 лет спустя»-журнал «Идеи и идеали» -2018, №2, т1, стр 139-143, В.Селюнин и И.Нигматулин.-«Плановая система: цифры и факты», «Огонёк» журналы -1989., А.Ўлмасов, Ш.Қобилов.-«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»-Я харфи, 6-банди-сохта иқтисодиёт, Pardaev M.K., Abduvohidov N.R., “The concept of the shadow economy and some recommendations for its elimination”-Web of Discoveries:Journal of Analysis and Inventions-volume 3, Issue 7, July-2025, ISSN(E):2938-3773, 13-бет., Ш.Шодмонов, М.Рахматов,-“Иқтисодиёт назарияси” дарслик -2021.

часини таҳлил этиб, уни тизимлаштириб мазкур тушунчаларга таъриф берган эдик.<sup>1</sup> Бугунги тадқиқотимизда Самарқанд вилоятидаги юридик шахс мақомидаги хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажмини статистик ҳисоботларга сохта маълумотлар киритилган ҳолда тақдим этиб, сотилган товар, иш ва хизматлар ҳажмини сунъий равишда ошириб кўрсатишни 2022-2024 йиллар маълумотлари асосида тадқиқ қилиб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги сохта иқтисодиёт кўрсаткичлари салмоқли ҳиссани ташкил этиши аниқланди.

Биз тадқиқотимиз давомида Самарқанд вилояти бўйича давлат статистика органларига хизматлар ҳажми бўйича 2022 йил якуни бўйича 14966 та, 2023 йил якуни бўйича 14003та, 2024 йил якуни бўйича 18224та субъектлар томонидан ҳажм кўрсатган ҳолда сатистик ҳисоботлар тақдим этган субъектлар устида тадқиқот ўтказиб, уларнинг кўрсатилган йиллар бўйича солиқ органларига тақдим этган солиқ ҳисоботлари билан солиштириб кўрганимизда 1-жадвалда кўрсатилган ҳолатлар маълум бўлди.

**1-жадвал**

**Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари томонидан соҳалар кесимида товар ва иш-хизматлар ҳажми юзасидан 2022-2024 йиллар бўйича аниқланган сохта иқтисодиёт кўрсаткичлари\***

Кўрсаткичлар	Хизмат кўрсатиш тармоқлари соҳалари бўйича											
	Чакана ва улгуржи савдо	Транспорт, почта ва кўчма хизмати	Меҳмонхона ва умумий овқатланиш	Ахборот ва алоқа	Молия ва страхо-вания	Кўчмас мулк билан операциялар	Профессионал илмий техник фаолият	Бошқарув ва ёрдамчи хизматлар бўйича фаолиятлар	Таълим хизматлари	Тиббиёт ва ижтимоий хизматлар	Бошқа хизматлар	Жами
<b>2022 йил</b>												
Маҳсулот сотиш ва иш-хизматлар ҳажми бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сони	1254	80	255	62	16	57	45	72	43	107	42	<b>2033</b>
Кўшиб ёзилган реализация суммаси, млн сўм	622628,4	365629,3	77929,4	333185,0	12882,3	76136,9	39227,7	35638,6	5408,0	11237,7	5526,6	<b>1585430,3</b>
<b>2023 йил</b>												
Маҳсулот сотиш ва иш-хизматлар ҳажми бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сони	2720	134	767	81	33	78	89	121	93	192	92	<b>4400</b>

<sup>1</sup> Pardaev M.K., Abdvohidov N.R., “The concept of the shadow economy and some recommendations for its elimination”-Web of Discoveries:Journal of Analysis and Inventions-volume 3, Issue 7, July-2025, ISSN(E):2938-3773, 13-бет., Абдувоҳидов Н.Р., “Яширин иқтисодиёт”га методологик ёндашуви такомиллаштириш-Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали-2025 йил, 15-жилд, 3-сон, ISSN 3030-3672, 17-бет., Абдувоҳидов Н.Р., “Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари”-Сервис –илмий-амалий журнали, 2025 йил №3,75-76-бетлар.

Кўшиб ёзилган реализация суммаси, млн. сўм	1206193,6	72481,9	193925,6	25959,2	27160,4	22814,8	32787,0	49428,8	30313,1	58733,1	25188,5	1744986,2
<b>2024 йил</b>												
Маҳсулот со-тиш ва иш-хизматлар ҳажми бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сони	2980	129	836	83	43	113	107	124	76	212	79	4782
Кўшиб ёзилган реализация суммаси, млн. сўм	3564529,9	346448,3	448868,9	285502,4	15532,1	29084,5	46839,5	34882,0	14069,5	41868,1	13201,1	4840826,7

\*Статистика ва давлат солиқ идоралари маълумотлар базаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йилда хизмат кўрсатиш бўйича давлат статистика органларига ҳажмли ҳисобот топширган 14966 та субъектдан 2033 тасида ёки 13,6 фоизда, 2023 йилда 14003 та субъектдан 4400 тасида ёки 31,4 фоизда, 2024 йилда эса 18224 та субъектдан 4782 тасида ёки 26,2 фоизда товар, иш ва хизматлар сотуви бўйича сохта иқтисодиёт (кўшиб ёзиш)га йўл қўйилганлиги маълум бўлмоқда. Бу эса ўтган 2 йил давомида сохта иқтисодиётга йўл қўяётган субъектлар улуши икки ҳиссага ошганлигини кўрсатмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида товар иш ва хизматлар реализацияси бўйича сохта иқтисодиётга йўл қўяётган субъектларда чакана ва улгуржи савдо хизмати корхоналари улуши энг юқори даражани ташкил этмоқда, жумладан, 2022 йилда 61,7 фоиз (1254/2033\*100), 2023 йилда 61,8 фоизни (2720/4400\*100), 2024 йил якуни билан эса 62,3 фоизни (2980/4782\*100) ташкил этмоқда.

Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасининг савдо хизмати соҳасида сохта иқтисодиётни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатъий амалий чора-тадбирлар ва илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Худди шундай сохта иқтисодиётнинг ҳажми бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, 2022 йилда 2033 та субъект томонидан 1585430,3 млн сўмлик, шундан 622628,4 млн сўми ёки 39,2 фоизи савдо хизмати субъектларига, 2023 йилда 1744986,2 млн сўмлик, шундан 1206193,6 млн сўми ёки 69,1 фоизи савдо хизмати субъектларига, 2024 йилда эса 4840826,7 млн сўмни ташкил этиб, шундан 3564529,9 млн сўми ёки 73,6 фоизи савдо хизмати субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Демак хизматлар соҳасида сохта иқтисодиёт улушида савдо хизмати ҳажми охириги икки йил давомида икки ҳиссага ошганлиги кузатилмоқда. Физик ҳажм миқдорида эса 5,7 (3564529,9/622628,4) баробарга ошган. Мазкур тадқиқот маълумотларидан шу нарса маълум бўладики, сохта иқтисодиёт ҳажми хизмат кўрсатиш тармоқларида кескин ошиши кузатилмоқда. 2024 йилда 2022 йилга нисбатан ҳолатлар сони 2,3 баробарга ошган бўлса, сохта иқтисодиёт физик миқдори 3,0 баробарга ошган.

Мазкур ҳолатларни иқтисодий оқибатлари нималарга олиб келади:

**Биринчидан**, вилоят ЯХМ шунингдек мамлакат ЯИМ нореал иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобига шаклланишига шунингдек аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан хизматлар ҳажми сунъий равишда ошириб кўрсатилишига олиб келади;

**Иккинчидан**, бу ҳолат халқаро экспертлар ва мустақил молия институтлари томонидан эътироф этилиб, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги имижига ва инвестиция муҳитига ёмонлашувига сабаб бўлади;

**Учинчидан**, мамлакатга ташқи қарз маблағларини жалб қилишда халқаро молия ташкилотларининг кескин эътирозига сабаб бўлади;

**Тўртинчидан**, гарчи аҳоли жон бошига ЯИМ ёки ЯХМ ҳажми миқдори йил сайин ошиб бориши ҳисоботларда қайд этилсада, аҳолининг иқтисодий аҳволига таъсир этмайди.

**Бешинчидан**, хўжалик субъектларига бюджетдан ажратилган субсидиялар ва бошқа ажратмаларни талон-тарож бўлишига сабаб бўлади.

**Олтинчидан**, давлат бюджетига юкломаларни ҳал этилишида муаммоларни келтириб чиқаради.

**Еттинчидан**, давлат статистик маълумотлар ҳаққонийлигига путур етади.

Биз аввалги тадқиқотларимизда хизматлар соҳасида норасмий бандликни баргараф этишда амалиётда вужудга келаётган сохта иқтисодиётни тадқиқ этгандик<sup>1</sup>. Мазкур тадқиқотимизда эса, хизматлар соҳаси корхоналари томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларни қўшиб ёзиш муаммосига бағишладик.

Сохта иқтисодиёт мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг барчасида мавжуд, у маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, реализацияси, иш ўринларини расмийлаштириш, давлат харидлари соҳасида, субсидиялар ажратиш, давлат бюджетидан ажратилган маблағларни турли сохта ҳужжатлар асосида талон-тарож қилиниши ва бошқа йўналишларда кузатилмоқда.

Сохта иқтисодиётни табиатидан келиб чиқиб, ушбу жараёни “*пуфак иқтисодиёт*” ёки “*кўпик иқтисодиёт*” деб аташ мумкин.

Сохта иқтисодиёт бу фақатгина расмий иқтисодиёт (тегишли тартибда рўйхатдан ўтган) субъектлари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий жараёнлардир<sup>2</sup>.

**Хулоса ва тақлифлар.** Юқоридаги тадқиқот натижасида хизматлар соҳасида сохта иқтисодиётни баргараф этиш бўйича қуйидаги хулосаларга келиниб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

- бугунги кунда барча солиқ ва статистик ҳисоботлар электрон тарзда тақдим этилишидан келиб чиқиб, солиқ ва статистика ҳисоботларини интеграциялаш, яъни солиқ идораларига ҚҚС ва ягона солиқ тури бўйича тақдим этиладиган солиқ ҳисоботларини, статистика идораларига тақдим этиладиган 1-қб ҳисоботи билан интеграция қилиб, солиқ идораларига тақдим этилган ҳисобот рақами билан статистика идораларига тақдим этиладиган рақамлар (сотилган товар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми) ўртасида фарқ вужудга келганда, ҳисобот дастурий маҳсул орқали сабабини кўрсатган ҳолда рад этиш тизимини яратиш лозим. Бу мазкур жараёнда инсон омили таъсирини чеклайди ва сохта иқтисодиётни олди олинади.

- хўжалик субъектларини сохта иқтисодиётга даъват этаётган (босим ўтказаетган) масъул ходимлар жавобгарлигини кучайтириш, яъни қонунчиликга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-246-сон фармонининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган биринчи навбатда амалга ошириладиган ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ” 10-бандида -Статистик ҳисоботларни шакллантириш ва давлат органларига тақдим этишни назарда тутувчи ягона ҳисоботлар тизимини 2026-йил 1-февралгача жорий этиш топширилган, мазкур тизимни ишлаб чиқишда юқоридаги тақлифни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тавсиялар амалиётга жорий қилиниши мамлакатда яширин иқтисодиётнинг намоён бўлиш шакллари билан бири бўлган сохта иқтисодиёт улуши камайиб, ЯИМ ва ЯХМлар таркибида сохта (қўшиб ёзилган) ҳажмлар камайиб, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланиб, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги имижини ижобий томонга ўзгаради ҳамда инвестиция муҳити шаффофлашади.

<sup>1</sup> Абдувоҳидов Н.Р., “Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни баргараф этишнинг амалий йўналишлари”-Сервис –илмий-амалий журнали, 2025 йил №3,75-76-бетлар

<sup>2</sup> Абдувоҳидов Н.Р., “Яширин иқтисодиёт”га методологик ёндашуви такомиллаштириш-Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали-2025 йил, 15-жилд, 3-сон, ISSN 3030-3672, 17-бет.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-246-сон фармони
2. Pardaev M.K., Abduvohidov N.R., “The concept of the shadow economy and some recommendations for its elimination”-Web of Discoveries:Journal of Analysis and Inventions-volume 3, Issue 7, July-2025, ISSN(E):2938-3773.
3. Абдувоҳидов Н.Р.,-“Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари”-Сервис –илмий-амалий журнали, 2025 йил №3
4. Абдувоҳидов Н.Р.,-“Яширин иқтисодиёт”га методологик ёндашувни такомиллаштириш-Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали-2025 йил, 15-жилд, 3-сон, ISSN 3030-3672.
5. Статистика ва солиқ идоралари маълумотлар базаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотлар.

<p><b>Н.Абдувоҳидов</b></p> <p><b>Некоторые проявления ложной экономики в секторе услуг и практические направления ее устранения</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье исследована ситуация с занижением объема проданных товаров, выполненной работы и услуг, то есть ложной экономикой, в субъектах сферы услуг (на примере хозяйствующих субъектов Самаркандской области) и ее влияние на макроэкономические показатели. Автор изложил свои практические предложения и выводы по устранению и предотвращению занижения объема проданных товаров, выполненной работы и услуг в государственном секторе, то есть ложной экономики.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> государственный сектор, скрытая экономика, ложная (фиктивная) экономика, занижение в экономике, налогово-статистическая отчетность, цифровизация, цифровая экономика, валовой внутренний продукт (ВВП), валовой региональный продукт (ВРП).</p>	<p><b>N.Abduvohidov</b></p> <p><b>Some manifestations of a false economy in the service sector and practical ways to eliminate it</b></p> <p><b>Abstract.</b> This article examines the underreporting of goods sold, work performed, and services rendered — that is, a false economy — in service sector entities (using the example of economic entities in the Samarkand region) and its impact on macroeconomic indicators. The author outlined his practical proposals and conclusions for eliminating and preventing the underreporting of goods sold, work performed, and services rendered — that is, a false economy — in the public sector.</p> <p><b>Keywords:</b> public sector, hidden economy, false (fictitious) economy, underreporting in the economy, tax and statistical reporting, digitalization, digital economy, gross domestic product (GDP), gross regional product (GRP).</p>
---	--

**Xusnora Dilmurod qizi Umarova – Qoraqalpoq davlat universiteti tayanch doktoranti**

**OROLBO‘YI MINTAQASIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI INNOVATSION BOSHQARISHNING TASHKILIY-IQTISODIY MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH**

**Annotatsiya.** Mazkur ilmiy maqolada O‘zbekistonning ekologik jihatdan eng murakkab hududlaridan biri hisoblangan Orolbo‘yi mintaqasi, xususan Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm viloyatida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarish masalalari chuqur tahlil qilinadi. Tadqiqotda mintaqada xizmatlar sektorining hozirgi holati, rivojlanish tendensiyalari va mavjud tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarning samaradorligi baholanadi.

**Kalit so‘zlar:** Orolbo‘yi mintaqasi, xizmat ko‘rsatish sohasi, innovatsion boshqaruv, tashkiliy-iqtisodiy mexanizm, klaster, raqamli iqtisodiyot, hududiy rivojlanish.

**Kirish.** Hozirgi kunda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining strategik maqsadlarini amalga oshirishni qo‘llab-quvvatlash uchun Orolbo‘yi mintaqasida BMTTD tomonidan ko‘mak berilayotgan tashabbuslarda tizimli innovatsiyaviy yondashuv tadbiriq etilmoqda. Bunday

ISSN 2091-5187

☞ “SERVIS” ☞

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat  
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset  
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.  
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot  
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining  
matbaa bo‘limida chop etildi.

Litsenziya № 025316.

Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.